

АББРЕВИАЦИЯ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Зокирова Дилдорахон Муйдиновна

Инглиз тили назарий аспектлари кафедраси ўқитувчиси

Андижон давлат чет тиллари институти, Андижон, Ўзбекистон

dildora2903@mail.ru

Тел:+998905723917

Аннотация: Тилда аббревиация мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланниб, бу борада турли-туман қарашлар мавжуд. Шу боис унга тилни синхрон ўрганиши обьекти сифатида қараган ҳолда тадқиқ этиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу мақолада аббревиация борасидаги аввалги ва бугунги кундаги қарашлар сўз юритилиб, улар ўртасидаги фарқлар мисоллар ёрдамида далилланади.

Калит сўзлар:аббревиатура, прототип, қисқартирилган ва қисқартирилмаган бирлик, хосила,морфологик ва семантик эволюция.

Тилшунослик тарихидан маълумки, авваллари аббревиация деганда яхлит сўзни қандайдир элементларини ҳар қандай ҳолатда тушуриб қолдириш жараённи тушунилган бўлиб, унинг натижасида бошланғич бирлик (X), уни ташкил қилувчи элементларнинг бир қисми (a)ни йўқотади ва қисқартирилган (X – a) бирликка айланади. График жиҳатдан бундай жараённи қуидаги тарзда ифодалаш мумкин: X → (X – a). Бироқ, ушбу таърифга яхшилаб эътибор қаратилсаномаълум “бошланғич бирлик” деганда нима назарда тутилиши, жараённинг ўзи ҳам, унинг хосиласи (қисқартирилган бирлик) ҳам аниқ эмаслиги ва айнан қайси элементлар тушириб қолдирилиши мумкинлиги каби масалалар очиқ қолаётганига гувоҳ бўламиз. Бунинг натижасида баъзисаволлар пайдо бўлади:

1. “Қисқартирилган” ва “қисқартирилмаган” бирлик ўртасидақандай муносабат мавжуд?

2. “Қисқартирилган” бирлик янги ҳисобланадими ёки у ўзэлемент(лар)ини йўқотса ҳам “қисқартирилмаган” бирлик сифатидагивазифасини давом эттирадими?

Фикримизча, айнан ушбу саволларга жавоб топган ҳолдагина, аббревиациянинг асл моҳиятини аниқлаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, “қисқартирилган” бирликлар иккиласи ҳисобланниб, у “қисқартирилмаган”, тўлиқ бирликни ифодалаб келади. Аббревиация жараёни ва натижасини унинг мазмунидан ажralган ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин эмас.

Инглиз тилидаги **lord**сўзи англо-саксонча **hiafweard** (**дон сақловчи**) сўзидан олинган бўлиб, қадимги инглиз тилида **hiaford**ба ўрта аср инглиз тилида **loverd**шакллари орқали бугунги кунги ҳолатига келган [1;79]. Ушбу сўз эволюциясига назар ташланса, унинг бошланғич ва охирги (ҳозирги) шакли ўзининг баъзи элементларини йўқотганига гувоҳ бўламиз. Лекин, **lord**сўзини аббревиация

маҳсули деб ҳисоблаш мумкин эмас; чунки, у узоқ давом этган, кўп асрликфонетик, морфологик ва семантиковольюция натижасидир.

Ad, exam, USA бирликлариниҳеч иккиланмасдан қисқартмалар сафига киритиш мумкин, чунки бизга уларнинг прототиплари маълум –**advertisement, examination, United States of America**[2; 145].

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, қанчонки тил тизимида лекик бирликнинг тўлиқ ва қисқартирилган шакллари параллел равища мавжуд бўлса-гина, аббревиация ҳақида сўз юритиш мумкин. Яъни, аббревиация тилни синхрон ўрганишобъекти ҳисобланади, аммо, диахроник жаҳатдан аниқланган ҳодисалар (**hiafweardcўзиданlordcўзи** томон бўлган эволюция) аббревиацияга таркибиға кирмайди.

Аббревиация муаммосига тилдаги ҳар бир ҳодиса унинг аввалги тараққиёти натижаси эканлигини ва тилнинг ҳозирги ҳолати эса унинг бундан кейинги ривожининг асоси ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолдасинхрон нуқтаи назардан ёндашиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Sunden, K. Contributions to the Studies of Elliptical Words in Modern English. Uppsala, 2001, 149 pp.
2. Stern G. Meaning and change of meaning. With special reference to the English language. Goteborg, 2010, 246 pp.